

(1700-1733, Хўжанд)

(1721-1733)

Минг сулоласидан бўлган Кўкон хони, Шохрухбийнинг ўгли. У хушёр, оқил, донова тадбиркор эди. Абдурахимбий даврида Кўконда калъа қурилган бўлиб, у ҳозирда “Ески кўргон” деб аталади. В.П. Наливкиннинг маълумотига кўра, 1732-йилгача унинг қароргоҳи Тикон Тўда қишлоғи бўлган. Худди шу йили у Кўкон шаҳрига биринчи бўлиб асос солади. 1725-йил Бухоро хонлигининг заифлашганидан фойдаланиб, 20 минг қишлоқ кўшин билан Хўжандни, 1726-йил эса Ўратепани эгаллаган. Сўнгра Шахрисабз остоналарига кўшин тортиб боради. Шахрисабз ҳокими Олимбек валинеъманинг (бошқа манбаларга кўра Иброҳим оталик кенағаснинг) сулҳ тузиб, қизи Ойчучук ойимни ўз никоҳига олган. Шахрисабзлик кенағаслар билан иттифок тузиб, 1732-йил Самаркандни эгаллаб, бу ерга мулла Баҳорни ҳоким этиб тайинлайди ва у ерда олти ой тургач, Жиззахни олиб, Оллохқулибекни ҳоким қилиб қолдиради.

Абдурахимбий Хўжандга етиб келгач, қаттиқ бетоб бўлиб, ақлдан озади, у 1733-йилда суикасд уюштирилиши натижасида ўлдирилади. Абдурахимхон ўлиmidан сўнг Кўкон хонлиғи қабт этилган ҳудудлардан ажраган. Ундан Эрдонабек деган ўғил ва 3 қиз қолган бўлса ҳам Кўкон хонлиғи тахтига уқаси Абдуқаримбий ўтиради.